Ахатов Вохиджон Асатуллаевич – ассистент
Саидов Акбар Ахадович – профессор
Бухоро давлат тиббиёт институти (Бухоро, Ўзбекистон)

ТИШЛАР ПАТОЛОГИК ЕДИРИЛИШИ ОҚИБАТИДА ЮЗ-ЖАҒ СОХАСИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МОРФОЛОГИК ВА ФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИ БАХОЛАШ

Аннотация, *ушбу мақолада тишлар патологик едирилишини эрта аниқлаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш асосида олинган илмий натижаларни амалга ошириш қуйидагича амалга оширилган: Навоий кон-металлургия комбинати ишчилари орасида тишлар патологик едирилиши тарқалиш даражасини ўрганилган. Тишлар патологик едирилишини текшириш ва ташхислаш усуллари келтирилган. Бундан ташқари беморларда стоматологик касалликлар дифференсиация усуллари кўрсатилган.*

Калит сўзлар: *тишларнинг патологик едирилиши, стомалогик текширув усуллари, морфо-функционал текшириш усуллари.*

Ахатов Вохиджон Асатуллаевич – ассистент
Саидов Акбар Ахадович – профессор
Бухарский государственный медицинский институт (Бухара, Узбекистан)

ДИАГНОСТИКА МОРФОЛОГИЧЕСКИХ И ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ, ВЫЗВАННЫХ ПАТОЛОГИЧЕСКИМ УДАЛЕНИЕМ ЗУБА В ОБЛАСТИ ЛИЦА И ЧЕЛЮСТИ

Аннотация, *внедрение научных результатов, полученных в данной статье, на основе раннего выявления патологической окантовки зубов и совершенствования методов лечения было проведено следующим образом: была изучена степень распространения патологической окантовки зубов среди работников Навоийского горнометаллургического комбината. Представлены методы проверки и диагностики патологического удаления зубов. Кроме того, пациентам показаны методы дифференциации стоматологических заболеваний.*

Ключевые слова*: патологическое удаление зубов, методы стоматологического обследования, методы морфофункционального исследования.*

Axatov Voxidjon Asatullaevich – assistant
Saidov Akbar Axadovich – professor
Bukhara state Medical University (Bukhara, Uzbekistan)

DIAGNOSIS OF MORPHOLOGICAL AND FUNCTIONAL CHANGES CAUSED BY PATHOLOGICAL TOOTH EXTRACTION IN THE FACE AND JAW

Abstract, *the implementation of the scientific results obtained in this article, based on the early detection of pathological dental edging and improvement of treatment methods, was carried out as follows: the degree of spread of pathological dental edging among employees of the Navoi Mining and Metallurgical Combine was studied. The methods of checking and diagnosing pathological tooth extraction are presented. In addition, patients are shown methods of differentiating dental diseases.*

Key words. *pathological tooth extraction, methods of dental examination, methods of morphofunctional examination.*

Тадқиқотнинг долзарблиги. Тишлар патологик едирилиши аҳоли орасида кенг тарқалган касаликлардан бири ҳисобланади, 20-25 ёшларда 12-18%; 60 ёшдан ошганларда 45-50% учрайди. Декомпесациялашган тарқоқ патологик едирилишда тишлов баландлиги ва пастки жағ холатини бир моментда ёки босқичма-босқич тикланади. Бир моментда тиклаш фақат чакка-пастки жағ бўғими ва чайнов мушаклари патологияси бўлмаганда ва ён тишлар алвеолалараро баландликни 4-6 мм гача кўтаришда қўллаш мумкин. Алвеолалараро баландлик 6 мм дан кўп масофада пасайган бўлса босқичма-босқич даволаш олиб борилади. Кесишган тишловда тишлар патологик едирилиши аралаш кўринишда кечиши кузатилди. 46 нафар беморда чегараланган ва 10 нафарида тишларнинг тарқоқ патологик едирилиши кузатилди. Юқо-

ридаги кузатувларда клиник кўринишлар тишларни протезлашни қийинлаштиради [1.3.5.7.9. 11.13.15]. Тишлар патологик едирилиши- мураккаб стоматологик касаллик ҳисобланади, ахоли орасида 23.1 % учраб, полиэтиологик, хар хил клиник кўринишли ва кўп босқичли комплекс даволанади. Тишлар патологик едирилишида тишлар билан бирга пульпа, пародонт, чайнов мушаклар ва чакка-пастки жағ бўғимида ўзгаришлар бўлади.

Тадқиқотнинг мақсади. тишлар патологик едирилиши оқибатида юз-жағ сохасида келиб чиқадиган морфологик ва функционал ўзгаришларни бахолаш такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Навоий кон-металлургия комбинатининг 138 нафар ишчилари текширилган. Беморларни ўрганилаётган гуруҳга танланиб олишнинг асосий критерийлари бўлиб клиник – лаборатор тасдиқлар хизмат қилган.

Тиш пульпасининг электр қўзғалувчанлигини текширилганда, 1-даражали тишлар патологик едирилиши бор беморларда 6,8±0,6 мкА электр қўзғалувчанлик, 2-даражали тишлар патологик едирилиши бор беморларда 11,5±0,58 мкА электр қўзғалувчанлик, 3-даражали тишлар патологик едирилиши бор беморларда 15,8±1,8 мкА электр қўзғалувчанлик кузатилган.

1-жадвал.

Тишлар патологик едирилиш даражасига қараб электроодонтодиагностика (ЭОД) натижалари, n=108

Тишлар патологик едирилиш даражаси	Беморлар сони		ЭОД, мкА
	abs	M±m, %	M±σ
1 даража	62	57,41±4,76	6,8±0,6
2 даража	30	27,78±4,31	11,5±0,58*
3 даража	16	14,81±3,42	15,8±1,8*$^{\Delta}$
	χ^2 = 30,889; p = 0,000		

*Изоҳ: * - билан «1 даража»га нисбатан(*** - P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001); $^{\Delta}$- билан «2 даража»га нисбатан ($^{\Delta\Delta\Delta}$ - P<0,05; $^{\Delta\Delta}$ - P<0,01; $^{\Delta}$ - P<0,001) ўртача арифметик қийматлар орасидаги ишончлилик фарқи белгиланган.*

Фронтал тиш тожини компазицион реставрация қилишдан олдин биз марказий курак тишлар ўлчамлари аниқланган. Фронтал тиш гурухи бу ўлчами эстетик ахамиятга эга. Юқори жағдаги марказий курак тишлар юқориги ва пастки барча тишлар орасида ажралиб туради. Бу тишлар гапирганда ва кулганда кўпроқ намоён бўлади. Марказий курак тишлар медиал бурчаги кўзга аввалроқ ташланади, дистал бурчаги камроқ кўринади. Тиш тожининг медиал бурчаги ўткир бурчак, дистал бурчаги юмалоклашган.

2 -жадвал.

Тишлар патологик едирилиш даражасига қараб марказий курак тишлар ўлчами (M±σ, n=108)

Тишлар патологик едирилиш даражаси	Беморлар сони	Тишлар ўлчами, мм	
		Кенлиги	Баландлиги
1 даража	62	8,1±1,24	8,6±1,15
2 даража	30	8,13±1,14	7,83±1,12**
3 даража	16	8±0,63	4,69±0,87*$^{\Delta}$

*Изоҳ: * - билан «1 даража»га нисбатан (*** - P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001); $^{\Delta}$- билан «2 даража»га нисбатан ($^{\Delta\Delta\Delta}$ - P<0,05; $^{\Delta\Delta}$ - P<0,01; $^{\Delta}$ - P<0,001) ўртача арифметик қийматлар орасидаги ишончлилик фарқи белгиланган.*

Марказий тишлар ўлчами бир нечта текширишларда тортилган тишларда аниқланган (А.В. Салова, 2004; А Фридман, 2008) ва марказий курак тишларнинг кенглиги 8,3-9,3 ва баландлиги 10,4-11,2мм лиги аниқланган. 1- даражали патологик едирилиши бор беморлар марказий кесувчи тишлар кенглиги 8,1±1,24мм ва баландлиги 8,6±1,15 мм эканлиги аникланган (2-жадвал). 3-даражали патологик едирилиши бор беморлар марказий курак тишлар кенглиги 8±0,63 мм, баландлиги эса 4,69±0,87 мм ни ташкил этган.

3-жадвал.

Тишлар патологик едирилиши бор ишчилар ва назорат гуруҳида гигиеник индекс (ГИ) кўрсатгичлари(M±σ, n=138)

Беморлар ёши	ГИ			
	Асосий гурух, n=108		Назорат гурух, n=30	
	нафар	Балл	Нафар	Балл
20-30 ёш	10	$1,9\pm0,29^{\Delta\Delta}$	4	1,1±0,08
31-40 ёш	38	$1,8\pm0,59^{\Delta}$	11	1,15±0,12
41-50 ёш	40	$2,91\pm0,9^{*\Delta}$	9	1,11±0,12
51-60 ёш	20	$2,79\pm0,57^{\Delta}$	6	1,2±0,13

*Изоҳ: * - билан «Олдинги ёш градациясига»га нисбатан (*** - P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001); $^{\Delta}$- билан «Назорат гурухи»га нисбатан ($^{\Delta\Delta\Delta}$ - P<0,05; $^{\Delta\Delta}$ - P<0,01; $^{\Delta}$ - P<0,001) ўртача арифметик қийматлар орасидаги ишончлилик фарқи белгиланган.*

Тишлар патологик едирилиши бор беморлар гигиеник индекс 20-30 ёшли беморлар гуруҳида 1,9±0,29 ни ташкил этган. 3-жадвалда келтирилган маълумотлар тишлар патологик едирилиши бор беморлар комплекс даволаш режалаштирилган беморларда дастлабки гигиена ҳолати яхши эмаслигини кўрсатган. Асосий гуруҳда тиш тошлари 58,5% да аниқланган. Тишлар патологик едирилиши бор беморларда гигиеник индекс 41-50 ёшли беморлар гуруҳида энг юқори кўрсатгич 2,91±0,9ни ташкил этган.

Тишлар патологик едирилиши бор беморларда пародонт тўқималари ортиқча босим остида қолади. Тишлар патологик едирилиши бор беморларда тиш тошлари 71,5% да аниқланган. Назорат гуруҳида милк кости ва милк усти тиш тошлари 7 нафар беморларда аниқланган.

4-жадвал.

Тишлар патологик едирилиши бор ишчилар ва назорат гуруҳида даволашгача оғиз бўшлиғи ва пародонт тўқималарининг гигиена ҳолати (M±σ)

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ, n-108	Назорат гуруҳи, n-30
PMA%	14,11±5,23**	11,01±2,72
Шиллер-Писарев синамаси	1,65±0,27*	1,09±0,17
Қонаш	0,92±0,13*	1,29±0,33
Тиш тошлари	1,29±0,18*	1,62±0,29
CPITN	0,46±0,07*	0,28±0,05

*Изоҳ: * - билан «Назорат гуруҳи» га нисбатан (*** - P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001) ўртача арифметик қийматлар орасидаги ишончлилик фарқи белгиланган.*

Ишчилар орасида физиологик окклюзия даврида юзнинг параметрлари аниқланган. ТРГ натижалари 5-жадвалда берилган. Телерентгенография (ТРГ) натижаларини бурчакли ва чизиқли параметрлари аниқланган.

5-жадвал.

Асосий гурух беморларда ТРГ текшириш натижалари, (M±σ, n=108)

ТРГ кўрсатгичлари	Натижалар
n-ss-spm-градус да	162,4±2,99
Sna-me-мм да	63,2±3,71
Sn-Kme- мм да	64,01±3,85
go-x- мм да	69,1±5,85
go-y- мм да	2,49±0,52
co-x- мм да	11,2±1,42
co-y- мм да	18,3±3,09

Телерентгенография натижалари жағларнинг олдинга, юқорига ва пастга сурилганлигини, шунингдек юз профили типини ҳам аниқланган.

Текширилган ишчилар орасида ортогнатик тишлов 62 нафар, тўғри тишлов 13 нафар, чуқур тишлов 20 нафар, прогнатик тишлов 4 нафар, прогения 5нафар, кесишган тишлов 3 нафар ва 1 нафар ишчилар орасида очиқ тишлов аниқланган. Чакка пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) томограммаси натижалари 6-жадвалда берилган.

Чайнов мушаклари электромиографияси (ЭМГ) қуйидаги босқичларда ўтказилган:

- чайнов мушаклари бўшашган даврида
- чайнов вақтида
- тиш қаторларини зич максимал ёпишиш даврида

ЭМГ да асл чайнов мушаги ва чакка мушаклари биопатенциаллари ёзиб олинган, яъни биоэлектрик фаоллик (БЭФ) баланд-паст чизиқлардан иборат. Чайнов бир томонлама ва икки томонлама ўтказилган.

6-жадвал.

Асосий гурух беморларда чакка-пастки жағ бўғими томограммаси натижалари (M±σ, n=108)

Томограмма кўрсатгичлари (мм)	ЧПЖБ	
	Чап томон	Ўнг томон
A-B	18,5±1,68	18,7±1,74
D_1	2,2±0,61	2,3±0,61
D_2	3,34±0,89	3,41±1,12
D_3	3,75±0,92	3,68±1,13
D_4	2,7±1,18	2,68±1,1
d	9,63±1,23	9,75±1,39
L градус	48,7±10,38	48±12,09

ЭМГ да ютиниш акти БЭФнинг охирги даври бўлиб, энг катта амплитуда ва давомий даври узоқлиги кузатилган. Чайнов мушаклар кўрсатгичлари миқдори вақтда (секунд) ва амплитуда кўрсатгичлари (мкВ) да аниқланган. Бирта динамик цикл (ДЦ) давомийлик вақти-БЭФ ва БЭТ даврлари вақтларининг йиғиндисига тенг. Кўрсатгичлар миқдори (мкВ): юА- бутун чайнов давридаги биопотенциаллар юқори апмлитудаси, мА- чайнов мушакларининг максимал қисқаргандаги биопотенциаллар амплитудаси. Чайнов мушаклар амплитуда кўрсатгичлари 7-жадвалда кўрсатилган.

7-жадвал.

Асосий гурух ишчиларда чайнов мушаклар ЭМГ амплитуда кўрсатгичлари (M±σ, n=108)

ЭМГ кўрсатгичлари (мкВ)	Асл чайнов мушаги		Чакка мушаги	
	юА	мА	юА	мА
Эркаклар	371,21±10,65	434,5±13,43	364,2±11,75	432,1±12,38
Аёллар	352,4±11,38*	392,61±12,4*	314,39±12,42*	342,4±10,99*

*Изоҳ: * - билан «Эркаклар»га нисбатан (*** - P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001) ўртача арифметик қийматлар орасидаги ишончлилик фарқи белгиланган.*

Асл чайнов мушаклари юА- бутун чайнов давридаги биопотенциаллар юқори апмлитудаси эркакларда 371,21±10,65; аёлларда эса 352,4±11,38 мкВ бўлиши аниқланган. мА- чайнов мушакларининг максимал қисқаргандаги биопотенциаллар амплитудаси эркакларда 434,5±13, 43; аёлларда эса 392,61±12,4 мкВ тенг бўлган. Чакка мушаклари юА- бутун чайнов давридаги биопотенциаллар юқори апмлитудаси эркакларда 364,2±11,75 мкВ аниқланган. Аёлларда эса чакка мушаги юА- бутун чайнов давридаги биопотенциаллар юқори апмлитудаси 314,39± 12,42 мкВ бўлиши аниқланган, бу асл чайнов мушаги юА га нисбатан 34,1±1,8 мкВ камлиги аниқланган.ЭМГда Коэффицент"К"- (БЭФ ва БЭТ вақтлари муносабати) аёлларда юқорилиги аниқланди. ЭМГ даги вақтлар характеристикаси 8-жадвалда берилган.

8-жадвал.


Асосий гурух беморларда ЭМГ вақтлари характеристикаси (M±σ, n=108)

Мушаклар ЭМГ кўрсатгичлари (секунд)	Асл чайнов мушаги		Чакка мушаги	
	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар
БЭФ	0,35±0,05	0,37±0,05***	0,32±0,04	0,39±0,05*
БЭТ	0,4±0,05	0,42±0,07	0,37±0,04	0,43±0,05*
ДЦ	0,73±0,14	0,82±0,07*	0,7±0,02	0,71±0,16
“К”	0,87±0,1	0,92±0,07***	0,9±0,09	0,91±0,07
ТЧД	13,1±1,92	14,6±1,25*	12,6±1,76	13,5±1,6***

*Изоҳ: * - билан «Эркаклар»га нисбатан (*** - P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001) ўртача арифметик қийматлар орасидаги ишончлилик фарқи белгиланган.*


Асл чайнов мушаги ва чакка мушаги биопотенциаллари БЭФ ва БЭТ эркакларга нисбатан аёлларда вақти юқорилиги аниқланган. ДЦ кўрсатгичи деярли иккита жинсда ҳам бир хил вақтда кузатилган. Тўлиқ чайнов даври (ТЧД) аёлларда 1,5±0,9 секунд (p<0,05) кўпроқ вақтлари аниқланган.

Беморларни сўраб суриштириш жараёнида қуйидаги шикоятлар учраган: ЧПЖБ сохасида оғриқ, ЧПЖБ сохасида шақиллаш, оғизни очишда ва чайнаш даврида оғриқ. ЧПЖБ дисфункцияси кўпинча бош оғриғи билан бирга кечиши аниқланган. ЧПЖБ да ўзгаришлари бор беморларни ёш бўйича тақсимланиши 6-расмда берилган. Диаграммадан кўриниб турибдики, ЧПЖБ холатидан хар хил кўринишдаги шикоятларни энг кўп 41-50 ёшдаги беморларнинг 16 нафарида, кейинги ўринда 51-60 ёшли беморларнинг 9 нафарида кузатилган.




***1-расм.* ЧПЖБ дисфукцияси. бор ишчиларнинг ёш гурухлари бўйича тақсимланиши**

Ишчиларни ёш гурухлари бўйича шикоятлари 7-расмда берилган.



2-расм. **Текширилган беморларда ёш гурухлари бўйича шикоятларнинг тарқалиши (нафар)**

20-30 ёш гурухидаги беморларнинг бир нафари бўғим сохасида оғриқ, оғриқ ва шақ-қилаш, қирсиллаш ва оғизни очишда оғриқ, ҳамда чайнов вақтидаги оғриқдан шикоят қил-ган. 31-40 ёш гурухидаги беморларнинг 2 нафари бўғим сохасида оғриқ, оғриқ ва шаққилашдан шикоят қилдилар, 4 нафари эса оғриқ+чайнов вақтида қирсиллаш ва қирсиллаш+оғиз очишда оғриқ кузатилди. 41-50 ёш гурухи шаққиллаш, оғриқ+шаққилашдан шикоят қилганлар. Шу гу-рухда 14 нафар бемор чайнов вақтида оғриқдан шикоят қилганлар. Ушбу гурухдаги беморлар энг кўп шикоятларни қилдилар.



3-расм. **41-50 ёш гурухида ишчилар шикоятининг тарқалиши**

Ўтказган текширувларда Роджерс К. ва Даймон Р. бўйича сўровнома, психологик тест ва беморлардан шикоятларнинг баҳоси бўйича уч мослашув гуруҳи ажратилиб ўрганилган. Декомпенсацияланган тиш қаторлари тарқоқ патологик едирилиши бор ишчиларнинг ижтимоий-руҳий мослашувчанлигини ўрганишнинг аҳамияти тўғрисида хулосага келиш имконини берган.

Илмий изланишда 36 та саволдан иборат SF-36 (Medical Outcomes Study Short Form, Health Status Survey – HS баҳолаш учун тиббий қисқа шкала) ҳаёт сифати сўровномасидан фойдаланилган. Текширилаётган гуруҳда SF-36 субшкалалар бўйича умумий кўрсаткичларнинг кўриб чиқилишида уларнинг ҲС да ифодаланган фарқлар аниқланган.

9-жадвал.

“SF-36” сўровномасининг ишчилар ҳаёт сифатининг умумий кўрсаткичлари (M±σ)

Шкала	Жами	Фарқларнинг статистик аҳамияти, P
Жисмоний фаолият	74,48±1,74	0,005
Жисмоний ҳолатга асосланган ролни бажариш	41,97±1,97	0,01
Оғриқ интенсивлиги	48,86±2,07	0,001
Умумий соғлиқ ҳолати	51,81±1,58	0,002
Ҳаётий фаолият	45,55±1,71	0
Ижтимоий фаолият	50,09±2,01	0,001
Эмоционал ҳолатга асосланган ролни бажариш	43,11±2,5	0
Руҳий ҳолат	48,92±1,96	0

Ишчилар орасида тишлар патологик едирилишини ташхислашда ва даволашда биринчи навбатда даражалари инобатга олинган. 1 ва 2-даражали тишлар патологик едирилишда тишлов баландлиги пасаймаганда, барча тишлар бўлганда моляр тишлар сохасида иккала жағга қуйма қопламалар, CAD/CAM-технологияси билан тайёрланган эластик каппалар, тишлар сезувчанлигини пасайтириш учун“Сенсистаб” гелидан фойдаланилган, тиш тож қисми нуқсонини композицион реставрация қилинган.

Тишлар патологик едирилишида гиперестезияни терапевтик даволаш физиологик компенсатор механизмлар- эмаль ва дентинни ременилизацияловчи қават ва тиш қаттиқ тўқимасини мустахкамловчи тишлар кальцификацияси, яъни иккиламчи дентин хосил бўлишини тезлатишга қаратилган.

Декомпенсацияланган тиш қаторлари тарқоқ патологик едирилишни даволаш усуллари:

1-даражасида-барча тишлар бўлганда моляр тишлар сохасида иккала жағга қуйма қопламалар, CAD/CAM-технологияси билан тайёрланган эластик каппалар, тишлар сезувчанлигини пасайтириш учун“Сенсистаб” гели. қисман тишсизликда қуйма кўприксимон протезлар;

2-даражасида-каппалар ёрдамида босқичма-босқич дезокклюзия, моляр тишлар сохасида иккала жағга қуйма қопламалар ва қисман тишсизликда қуйма кўприксимон протезлар, ўзакли тишлар, имплантантлар, моляр тишлар сохасида иккала жағга қуйма қопламалар ва қисман тишсизликда қуйма кўприксимон протезлар, фронтал тишларга CAD/CAM-технологияси билан тайёрланадиган диоксид циркон қопламалар;

3-даража-каппалар ёрдамида босқичма-босқич дезокклюзия, ўзакли тишлар, имплантантлар, моляр тишлар сохасида иккала жағга қуйма қопламалар ва қисман тишсизликда қуйма кўприксимон протезлар, ўзакли тишлар, имплантантлар, моляр тишлар сохасида иккала жағга қуйма қопламалар ва қисман тишсизликда қуйма кўприксимон протезлар, фронтал тишларга CAD/CAM-технологияси билан тайёрланадиган диоксид циркон қопламалар

Компенсацияланган тиш қаторлари тарқоқ патологик едирилишни даволаш усуллари:

1-даражасида -барча тишлар бўлганда моляр тишлар сохасида иккала жағга қуйма қопламалар, CAD/CAM-технологияси билан тайёрланган эластик каппалар, тишлар сезувчанлигини пасайтириш учун“Сенсистаб” гели. қисман тишсизликда қуйма кўприксимон протезлар;


2-даражасида-каппалар ёрдамида босқичма-босқич дезокклюзия, вакант гипертрофияланган алвеоляр ўсиқни пасайтириш. моляр тишлар сохасида иккала жағга қуйма қопламалар ва қисман тишсизликда қуйма кўприксимон протезлар, ўзакли тишлар, имплантантлар, моляр тишлар сохасида иккала жағга қуйма қопламалар ва қисман тишсизликда қуйма кўприксимон протезлар, фронтал тишларга CAD/CAM-технологияси билан тайёрланадиган диоксид циркон қопламалар;

3-даражасида-каппалар ёрдамида босқичма-босқич дезокклюзия, вакант гипертрофияланган алвеоляр ўсиқни пасайтириш(хирургик усул-компактоостеотомияни хам қўллаш) ўзакли тишлар, имплантантлар, моляр тишлар сохасида иккала жағга қуйма қопламалар ва қисман тишсизликда қуйма кўприксимон протезлар, ўзакли тишлар, имплантантлар, моляр тишлар сохасида иккала жағга қуйма қопламалар ва қисман тишсизликда қуйма кўприксимон протезлар, фронтал тишларга CAD/CAM-технологияси билан тайёрланадиган диоксид циркон қопламалар



4-расм. **Декомпенсацияланган тарқоқ патологик едиришлишни даволаш алгорими**

Бундан ташқари беморлар тишларига 2,5% ли кальций глицерофосфат эритмаси билан 20 минут хар кун электрофорез ўтказилди. Даволаш курси 10-12 та муолажа.




5-расм. **Анъанавий усулда ортопедик даволаш. Чайнов тишлар сохасига қуйма кўприксимон протез ва фронтал сохага металокерамик қопламалар.**



6-расм. **Моляр тишлар сохасида иккала жағга қуйма қопламалар ва фронтал тишларга CAD/CAM-технологияси билан тайёрланадиган диоксид циркон қопламалар.(даволашгача ва даволашдан сўнг)**

Ишлаб чиқилган даволаш ёндашувининг ушбу ҳимоя таъсирини анъанавий каппага қараганда рақамли технологиялар билан тайёрлнган каппанинг аниқроқ анатомик мувофиқлиги билан изоҳлаш мумкин. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг яллиғланиш реакциялари, таянч тишнинг травматик периодонтитининг ривожланиши ёки сунъий қопламани шина остида расцементировкаси каби бошқа турдаги асоратлар таққосланган гуруҳларда статистик жиҳатдан фарқланмайдиган частоталар билан алоҳида ҳолатларда кузатилган. Каппанинг ташқи юзаси ва унинг таркибий элементлари анъанавий технология орқали ишлаб чиқарилган каппа билан фойдаланган беморларда атрофдаги оғиз бўшлиғи юмшоқ тўқималарининг шикастланиши 7 та ҳолатни, рақамли технологиялар билан тайёрлнган каппа асосий гуруҳдаги беморларда 1 та ҳолатни ташкил этди.



7-Расм. **Беморларни тайёрланган эластик каппадан фойдаланиш даражаси**

Даволашнинг якуний натижаларини баҳолаш шуни кўрсатдики, баъзи ҳолларда беморларда ЧПЖБ томонидан дисфункционал ҳолат сақланиб қолган, бу қирсиллаш, шақиллаш ва артикуляция бузилишларини ўз ичига олади. Баъзи беморларда бўғим бўшлиғи параметрларида рентгенологик жиҳатдан оғишлар аниқланган [2.4.6.8.10.12.14].

Кўрсатгичлар миқдори (мкВ): юА- бутун чайнов давридаги биопотенциаллар юқори апмлитудаси, мА- чайнов мушакларининг максимал қисқаргандаги биопотенциаллар амплитудаси. Чайнов мушаклар амплитуда кўрсатгичлар кўрсатилган.

Асл чайнов мушаклари юА- бутун чайнов давридаги биопотенциаллар юқори апмлитудаси эркакларда 394,1±8,44; аёлларда эса 378,4±11,22 мкВ натижалар аниқланди. мА- чайнов мушакларининг максимал қисқаргандаги биопотенциаллар амплитудаси эркакларда 448,4 ±14,14; аёлларда эса 405,3±10,94 мкВ тенг бўлди.

10-жадвал.

Даволашдан кейин асосий гурух ишчиларда чайнов мушаклар ЭМГ амплитуда кўрсатгичлар (M±σ)

ЭМГ кўрсатгичлари (мкВ)	Даволаш муддати	Асл чайнов мушаги		Чакка мушаги	
		юА	мА	юА	мА
Эркаклар	Даволашгача	371,21±10,65	434,5±13,43	364,2±11,75	432,1±12,38
Аёллар		352,4±11,38*	392,61±12,4*	314,39±12,42*	342,4±10,99*
Эркаклар	Даволашдан кейин	394,1±8,44$^{\Delta}$	448,4±14,14$^{\Delta}$	383,1±8,8$^{\Delta}$	442,4±13,43$^{\Delta}$
Аёллар		378,4±11,22*$^{\Delta}$	405,3±10,94*$^{\Delta}$	323,51±9,38*$^{\Delta}$	356,2±12,24*$^{\Delta}$

Изоҳ:** * - билан «Эркаклар»га нисбатан (- P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001); $^{\Delta}$- билан «Даволашдан олдинги»га нисбатан ($^{\Delta\Delta\Delta}$ - P<0,05; $^{\Delta\Delta}$ - P<0,01; $^{\Delta}$ - P<0,001) ўртача арифметик қийматлар орасидаги ишончлилик фарқи белгиланган.*

Чакка мушаклари юА- бутун чайнов давридаги биопотенциаллар юқори апмлитудаси эркакларда 383,1±8,8; аёлларда эса чакка мушаги юА- бутун чайнов давридаги биопотенциаллар юқори апмлитудаси 323,51±9,38 мкВ бўлиши аниқланди. Юқоридаги натижалардан кўриниб турибдики тишлов баланлиги нормаллаштирилгандан сўнг мушаклар биопотенциалларида ижобий натижаларга эришилди.

Хулоса. Текширган ишчилар орасида ўчоқли патологик едирилиш 12%, 64,8% декомпенсацияланган тарқоқ патологик едирилиш ва 23,1% компенсацияланган тарқоқ патологик едирилиш аниқланган. 1- даражали патологик едирилиши бор беморлар марказий кесувчи тишлар кенглиги 8,1±1,24мм ва баландлиги 8,6±1,15 мм, 2-даражада кенглиги 8,13±1,14мм ва баландлиги 7,83±1,12 мм, 3-даражада 8±0,63 мм, баландлиги эса 4,69±0,87 мм ни ташкил этган. Асосий гуруҳда тиш тошлари 58,5% да аниқланган. Асл чайнов мушаклари юА- бутун чайнов давридаги биопотенциаллар юқори апмлитудаси эркакларда 371,21±10,65; аёлларда эса 352,4±11,38 мкВ бўлиши аниқланган. мА- чайнов мушакларининг максимал қисқаргандаги биопотенциаллар амплитудаси эркакларда 434,5±13, 43; аёлларда эса 392,61±12,4 мкВ тенг бўлган. Бошнинг ён проекциясидаги телерентгенограммасида юзнинг умумий морфологик баландлиги биз тавсия этган комплекс даволашдан сўнг 6,5 % га, юзнинг пастки қисми морфологик баландлиги эса 3,6 % га кўтарилиб нормал холатга яқинлашган.

АДАБИЁТЛАР

1. V.A. Axadov, A.A. Saidov Early detection of pathological tooth erasure and optimization of complex treatment/ Journal for Innovative Development in Pharmaceutical and Technical Science (JIDPTS). ISSN (O): 2581-6934 Volume:4, Apr:2021. Pages-35-37
2. Ахатов В.А., Саидов А.А. Тишлар патологик едирилишида тишлов баландлигининг ўзгаришлари ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари Доктор Ахборотномаси, Илмий- амалий журнал №1 (113) 2024 й, 26-31 бет.
3. В.А.Ахатов, Саидов А.А. Тишлар патологик едирилиши ва уларни даволаш Тиббиётда янги кун, Илмий-рефератив, маърифий-маънавий журнал №1 (63) 2024 й 235-242 бет
4. V.A. Axadov, A.A. Saidov Criteria for Determining the Degree of Distribution of Pathological Edging of Teeth among Workers of the Mining and Metallurgical Combine Research journal of trauma and disability studies// Volume: 3 Issue:1 | January–2024 ISSN: 2720-6866 P-51-55
5. V.A. Axadov, A.A. Saidov Development of early diagnosis and preventive measures of pathological edirism of teeth among workers Central asian journal of medical and natural sciences// Volume: 05 Issue: 01 | Jan-Feb 2024 ISSN: 2660-4159 (320-324 page)
6. Ахатов В.А., Саидов А.А. Коррекция высоты прикуса и профилактика патологической стираемости зубов: современные подходы// Ўзбекистон тиббиёт журнали, №4 2024й.С- 213-217.

7. В.А.Ахатов Экологик ноқулай шароитда яшайдиган аҳоли орасида тишлар патологик едирилишини кечиши Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустахкамлаш йили" га бағишланган ЁШ ОЛИМЛАР КУНЛАРИ Республика илмий-амалий онлайн анжумани халыаро иштироки билан. Тошкент-2021

8. V.A. Axadov, A.A. Saidov Dental anomalies and optimization of complex treatment international conference on Scientific Endeavors and Opportunities Hosted from Telavi, Georgia on 17th-18th March,2021. P-138-139.

9. V.A. Axadov, A.A. Saidov Pathological tooth erasure and optimization of complex treantment International Consortium on Academic, Trends on Education and Science Hosted from London England Aprel 3rd-4th 2021.P-193-194.

10. В.А.Ахатов Экологик ноқулай ҳудудларда ишлайдиган аҳоли орасида тишлар патологик едирилиши III Международная научно-практическая онлайн конференция студентов и молодых ученых 26 мая 2021г. Бухара

11. В.А.Ахатов, Саидов А.А. Тишлар патологик едирилишини эрта аниқлаш ва даволаш Халқаро илмий-амалий анжуман "Стоматологиянинг долзарб муаммоларига замонавий ёндашув" Бухоро, 23-24 апрел.

12. V.A. Axadov, A.A. Saidov The degree of distribution of pathological enging of teeth among workers of the mining and metallurgical combine International Scientific-Practical Conference, Turkey 2024. P-114-115

13. В.А.Ахатов, Саидов А.А. Тишлар патологик едирилишини ташхислаш алгоритми ЭҲМ дастурNºDGU 31741

14. В.А.Ахатов, Саидов А.А. Тишлар патологик едирилишни эрта аниқлаш ва даво-профилактика усули // услубий тавсиянома-18б.

15. В.А.Ахатов, Саидов А.А. // Тишлар патологик едирилиши бор беморларда стоматологик касалликлар дифференсиация усуллари услубий тавсиянома-20б.